
ФУРҚАТ ТУМАНИДА ЯНА БИР ЛОЙИҲА ИШ БОШЛАДИ

Фурқат тумани Қўқонбой шаҳарчасида қад ростлаган, тадбиркор Қахрамон Сиддиқов бошчилигидаги "Фурқат оқтом келажаги" фермер хўжалигига қаршли янги корхона иш бошлади.

Корхона дуккакли маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, экспортга йўналтириш ҳамда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Лойиҳа қиймати 3 млрд. сўм (ўз маблағи 1.5 млрд.)ни ташкил этиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 4 000 тонна. Ушбу корхона ишга тушиши натижасида 30 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона иш бошлаши муносабати билан ташкилланган тадбирда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, туман прокурори, туман ИИБ бошлиғи ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Корхона раҳбари туман ҳокимининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-09-27 15:15:30